



ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI HOKIMINING
Q A R O R I

Termiz shahri, At-Termiziy ko'chasi 1-uy. 190100, tel.: (+99876) 224-00-15, surxon@exat.uz, gov@sdv.uz

2021 -yil "24" mart

Қ-173 -son

Termiz sh.

Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви "Қуштепа" маҳалласи худудидан "SURXON FRUITS FREZER" МЧЖга енгил конструкцияли "Иссиқхона" ва "Маиший хизмат кўрсатиш нукта"лари қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 5,87-моддаларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Ўзбекистон Республикаси боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида" 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонида асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2021 йил 23 февралдаги 05-02/141-сон йиғилиш баёни, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармасининг 2021 йил 05 мартдаги 26-сон хулосаси, Жарқўрғон тумани ҳокимининг 2021 йил 23 январдаги 01-05/22-сон хатини инобатга олиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Жарқўрғон тумани Т.Шобуров массиви "Қуштепа" маҳалласи худудидан "SURXON FRUITS FREZER" МЧЖга туман ҳокимлиги захира ер фондидан қишлоқ хўжалик харитасининг 243ақ ва 261вқ-дала контурларидаги жами 10 гектар шундан 9,3 гектар яйлов, 0,7 гектар йўллар ер майдонларининг 7,3 гектар ер майдонига енгил конструкцияли "Иссиқхона" қуриш учун вақтинча (10 йил муддатга) фойдаланиш ҳуқуқи билан ва 2,0 гектар ер майдони "Маиший хизмат кўрсатиш нукта"лари қуриш учун доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

2. "SURXON FRUITS FREZER" МЧЖ "Маиший хизмат кўрсатиш нукта"лари қуриш учун ажратилаётган 2,0 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 30 586 040 (ўттиз миллион беш юз саксон олти минг қирқ) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ғазначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг х/р: 23402000300100001010 СТИР: 201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами 014108609224013450717186)га беш кун муддатда тўлаб берилишини таъминласин.

3. SURXON FRUITS FREZER” МЧЖ бошлиғи О.Анваровга:
иссиқхона учун ажратилаётган ер майдонидан фақат иссиқхона қуриш
учун фойдаланиши;

етиштирган маҳсулотларни экспорт қилиши;

мақсадсиз фойдаланилганда ёки бир йил мобайнида фойдаланилмаганида
ажратилган ер майдони туман ҳокимлиги захирасига қайтариб олиниши
кўрсатиб ўтилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр
агентлиги Сурхондарё вилоят бошқармаси (М.Абдурахманов)га ажратиб
берилган ер майдонидан самарали ва мақсадли фойдаланилишини доимий
назорат қилиб бориш ҳамда ер ҳисоботиغا тегишли ўзгартириш киритиш
юклатилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузурадги Кадастр
палатаси Сурхондарё вилоят бошқармаси (С.Шаймарданов) ер участкаси
чегараларини жойида (натурада) белгилашни амалга оширсин ҳамда ер
участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин.

6. Вилоят қурилиш бош бошқармаси (К.Эшматов) қонунчиликда
белгиланган тартибда қурилиш ишларини лойиҳа-смета ҳужжатларига
мувофиқлигини мониторинг қилиб борсин.

7. Мазкур қарор бир кун муддатда вилоят ҳокимлигининг расмий веб-
сайтида (surxondaryo.uz) эълон қилинсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг
ўринбосарлари У.Турапов ва А.Орипов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов